

**“ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ” ҲАРБИЙ-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРИ  
ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎЗ БУРЧИГА САДОҚАТ РУҲИДА  
ТАРБИЯЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА»**

**Хушвақтов Шариф Адилевич**

*Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик  
лицейи чақириққача тайёргарлик фани ўқитувчиси.*

**Аннотация:** Ушбу мақола “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ўқувчиларини, миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини сингдириш, Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлишни ёшлар онгига сингдириб бориш учун хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Ватан, ватанпарварлик, содиқ, садоқат, ахлоқ, тарбия.

Ватан (арабча – она юрт) – кишиларнинг ўзи яшаб турган, авлод ва аждодлари туғилиб ўсган, миллати шаклланган жой, ижтимоий муҳит, мамлакат.

Ватан (арабча – ўсган жой, юрт) – кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр ёхуд киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт.

Ҳазрат Алишер Навоий «Ватан» тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик эса, Ватан, энг аввало, ота-боболарнинг покиза хоклари ила шарафланган жойдир, деб тасниф берган.

Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас замин, уни камолот сари етакловчи, ҳаётига маъно-мазмун бахш этувчи табаррук маскан.

Ватан – ота-боболаримизнинг хокипоклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин.

Ватан ҳар бир кишининг ўз қалбидан, виждонидан бошланади, яъни ҳар бир инсоннинг қалбида Ватанни жажжи қиёфаси яшайди.

Ватани бор инсоннинг ғурур-ифтихори баланд, мақсад-муддаолари аниқ бўлади.

Ватанга меҳр иймондандир, иймонсиз одам эса Ватанни сева олмайди.

Ватанни, ота-онани танламайдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 2 апрель ПК-5050 қарори билан тасдиқланган

“Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси” қабул қилинган.

Концепция туфайли қуйидаги тарихий воқеа содир бўлди: Ички ишлар органлари ходимлари “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз” деган ватанпарварликни тарғиб этувчи шиорга эга бўлдилар. Ушбу шиор ички ишлар органлари ходимларини бирлаштириш ва уларни буюк мақсад сари сафарбар этувчи маънавий кучдир. Бу шиор ҳар бир ички ишлар органлари ходимларини ватанпарварликка хизмат бурчи ва масъулият сифатида ёндашишни талаб этади.

«Ватанпарварлик» кенг маънода кишининг оиласига, туғилиб ўсган юртига, халқига ва ватанига бўлган пок туйғуси, яъни муҳаббатидир. Муҳаббат инсон қалбидаги юксак фазилат ҳамда жамиятда ўзини намоён этувчи қадриятдир. Кишини мамлакат эришган ютуқлари, бетакрор маданиятидан фахрланишга, бетакрорлигини сақлаб қолишга, бошқалардан фарқ қилувчи жиҳатларини англашга, ғамхўрлик кўрсатиш, Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга ўргатади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, «...ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади»

Президентимизнинг ҳақли таъкидлашича, Янги Уйғониш даври пойдеворини яратиш жараёнида энг ривожланган жамиятлар талабига жавоб берадиган, эркин фикрли, замонавий ва инновацион маънавий маконни шакллантириш зарурати муҳим масалага айланиши табиийдир. Бугун маънавият ва маърифат масалаларига нисбатан муносабатнинг ўзгарганини Президентимизнинг янги маънавий макон тўғрисида айтган қуйидаги фикридан ҳам билиб олса бўлади: “Янги маънавий макон нима? Менинг назаримда, у — биз орзу қилаётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яққол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир”

Президентимиз томонидан юқорида шакллантирилган таърифга эътибор берайлик. Ушбу таърифда иккита ўта муҳим масала, келажакда бажаришимиз лозим бўлган стратегик мақсад мужассам:

Биринчиси, мамлакатимизнинг бугунги маънавий ҳолатига барча муаммо, қийинчиликлар, йўл қўйилаётган хатолар, камчиликларни рўй-рост эътироф этган ҳолда баҳо бериш билан боғлиқ бўлса;

иккинчиси, халқимиз интилаётган, биз танлаган ижтимоий мўлжалимизнинг бажарилишини таъминлашга кўмак берадиган, минг йиллар давомида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимиз орзу қилиб келган маърифатли жамиятнинг асл қиёфасини белгилаб олишимиз лозим.

Садоқат деганда: кўхна тарих, Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, жадид боболаримиз, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасоратлари гавдаланади.

Ўзбекистон байроғидаги мовий ранг – садоқат тимсолини эслаймиз.

Ватан биздек фарзандларидан Ўзбекистоннинг ҳар бир йигит-қизи амалда нималар қилиши ва қилмаслиги керак? Бу бежиз эмас, чунки тақдиримиз ҳар биримизнинг Ватанга садоқатни бугун қандай тушунишимизга, қанчалик риоя қилишимизга боғлиқ.

Содиқ, Сиддиқ, Садоқат, Сиддиқа, Муҳаммад Содиқ, деган исмлар қўяди боласига ўзбек, садоқат, содиқ сўзлари маънодош.

САДОҚАТ НИМА? Илмий адабиётларда унга – одамнинг қудрати, унга таъсир қиладиган воқеа, ташқи ёки ички омилларнинг алдовлар қаршилигига дош берувчи, тобланган ички “умуртқаси” кучининг намоён бўлиши, дейилади. Бу – тўпланган тажриба, билимлар асосида шаклланган, одамнинг ўзи айтаётган сўзлари, позицияси, ёндашуви ҳақлигига қаттиқ ишониши.

- Бобокалонимиз Амир Темур: “Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир” – деб авлодаждодларимизга васият қилган. Бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш – улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажариш бўлиб, бу васият ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг бош мезонини белгилаб беради.

- Иқтисодий ўнгланиш, тикланиш, ривожланишни маънавий ўнглаш, покланиш, юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлиб хизмат қилиш ҳар бир ички ишлар органлари ходимининг хизмат бурчидир

Ёшларда Ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда миллий ғоянинг ўрни

Юртимизда халқимиз менталитетига мутлоқо зид бўлган ёт мафкуравий таҳдидларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш ва вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтмишдан маълумки, Ватанимизда миллий давлатчилик асосларини барпо этиш мақсадида юксак вазифаларни амалга оширишда энг аввало, инсонларни ягона эзгу буюк мақсадлар сари бирлаштириш орқали уларни қалбида ишонч уйғотишда миллий ғоя муҳим ўрин тутиб келган.

Бу борада, Ватанимизнинг келажаги ҳисобланмиш ёшларимизнинг ўз юрти - она Ватанига садоқатли этиб тарбиялашда уларнинг қалби ва онгига ўтмишда яратилган буюк тарих, маданият ва маънавиятни ўзида намоён этувчи миллий ғояни сингдиришни тақозо этади. Айниқса, ёшларимиз онгида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш ҳамда мустаҳкам-лаш, миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, тили, дини, миллати-дан қатъи назар, турли халқ ва миллатларнинг тинч-тотув, ўзаро аҳил яшашларини таъминлаш долзарб вазифадир

Ватандошларимиз Широқ, Тўмарис, Жалолодин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур каби миллий қаҳрамонларимизнинг жасоратини ёшларимиз онгига сингдиришда миллий ғоя билан қуроллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда барчамизга маълумки, жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, мафкуравий қарама қаршилиқ, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар авж олаётган бир замонда ёшларимиз қалби ва онгига раҳна солишга интилаётган таҳликали вазиятлар тобора кучайиб бормоқда.

Дунёнинг айрим ҳудудларида хусусан, Яқин Шарқ минтақасида давом этаётган қонли тўқнашув ва низолар минг афсуски, мана шундай нотинч кескинлик ўчоқларини кўпаётганлиги ташвишли-дир. Мана шундай таҳликали вазиятни ўз вақтида англаган ҳолда биз юртимизда тинчлик-осойишта-ликни мустақкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича аниқ мақсадга белгиланган фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимизни бугунги давр ва замон тақоза этмоқда.

Барча ҳарбий академик лицей ўқувчиларига, халққа хизмат қилишдек бурчнинг масъулиятини тўлиқ англаган ҳолда, ҳар қандай вазият вужудга келганда ҳам, садоқат билан хизмат қиладиган комил инсонга хос фазилатларни тарбиялашда таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди, деган шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси қоидаларига тўлиқ амал қилиш зарур.

Бу ҳақда фикр юритганда, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари хотирамизда жонланади. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда жамиятда, айниқса, халққа хизмат қилишдек бурч зиммасига юклатилган ички ишлар идоралари ходимларини тайёрлашда таълим-тарбияни миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари асосига таянган ҳолда олиб бориш зарур.

Ҳарбий таълим муассасалари ўқувчиларини ўз бурчига садоқат руҳида тарбиялаш борада қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

1. Ўқувчиларни ўз бурчига садоқат руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти катта. Маънавий-маърифий ишлардан кўзланган мақсад, аввало, ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда муҳим асос бўладиган маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш ва ривожлантиришдир. Шу боис ҳам ҳарбий таълим муассасаларида маънавий-маърифий йўналиш-даги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Ёш ходимларнинг маънавий дунёқарашини янада юксалтириш мақсадида музейларга саёҳат, адабиёт, санъат арбоблари, олимлар билан учрашувлар, интеллектуал ўйинлар – викториналар, “Буюк келажагимизнинг садоқатли қизлари”, “Буюк келажагимиз

посбонлари” каби кўрик-танловлар ўтказишни яхши анъанага айлантириш ўз самарасини беради.

2. Маънавий-маърифий ишларни ўтказишдан мақсад – ёшларда инсонни безайдиган, унга обрў-эътибор келтирадиган фазилат, маънавий ахлоқий хислатларни камол топтиришдир. Зеро, ахлоқ – кишининг табиати, муомаласи, хатти-ҳаракати. Шундай одамлар борки, уларнинг муомаласи, юриш-туриши, феъл-атвори кишига завқ бағишлайди, баъзилар борки, уларнинг на гап-сўзлари, на хулқ-атвори инсонга ёқади, аксинча, бездиради

3. Ўқувчиларни ўз бурчига садоқат руҳида тарбиялашда ҳуқуқий тарғибот ишларининг аҳамияти катта. Бугунги кунда ахборот урушлари анча камхарж, кўшин тўплаш ва уни сақлашни катта пулга, қурол-яроғ сотиб олишни талаб этмайди. Ушбу тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳида тарбиялашдан иборат бўлиб, бу ўз натижасини бериши аниқ. Зеро, юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшашга интилиш, буюк юртга муносиб бўлиш – ватанпарварликнинг беқиёс ифодасидир.

4. Президентимиз раҳнамолигида жаҳонда юз бераётган зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, ноанъанавий таҳдид ва хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилиш-нинг ишончли тизими яратилди. Бу тизим таҳликали вазиятларнинг олдини олиш, уларни остонамизга йўлатмаслик, мамлакатимизда шаклланган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асрашга имкон бермоқда. Бироқ масаланинг энг нозик жиҳати шундаки, змонавий шароитда мавжуд хавф-хатарларнинг мазмун моҳиятини олдиндан билиш, аниқлаш жуда қийин бўлмоқда. Шу ўринда буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг фикрларига эътибор қаратамиз: “Душман кўзингга кўринмагани учун ундан бепарво бўлма, чунки шамол ҳам кўзга кўринмасдан келади-ю шамни ўчиради”, деган фикрини унутмаслик зарур

5. Фақатгина касбий либос кийиш, юрт тинчлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишга чоғланиш учун фақат иштиёқнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун катта касбий ва жисмоний тайёргарликка, руҳий маънавий фазилатларга, иродавий хислатларга эга бўлиш талаб этилади. Чунки, Ички ишлар органларида хизмат қилиш шунчаки ҳавас эмас, чексиз ғурур, юксак масъулият ҳамдир. Мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларга касбий либос кийишнинг масъулияти борлигини сингдириш.

6. Республикамизда турли ҳудудларида кенг миқёсдаги ватанпарварлик руҳи билан бойитилган спорт мусобақалари, бадий кечалар, семинарлар ёшларимиз онгини ватанпарварлик, юртга садоқат, ифтихор ҳиссини туйиш ғоялари билан бойитишга қаратилган тадбирларни ўтказишнинг ўрни катта.